

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОД  
ИНСТИТУТИ ҲҰЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.16/30.12.2019.T.87.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХАКИМОВ ФАРРУХ ШОКИРЖОНОВИЧ**

**ПОЛИАКРИЛАТЛАРНИ ЁҚИЛФИ, МОЙЛАР УЧУН ҚҮНДИРМА ВА  
СО<sub>2</sub> ГАЗИНИ ТУТУВЧИ МЕМБРАНА СИФАТИДА ҚҰЛЛАШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хакимов Фаррух Шокиржонович**

Полиакрилатларни ёқилғи, мойлар учун қўндирма ва CO<sub>2</sub> газини тутувчи мембрана сифатида қўллаш технологиялари..... 3

**Khakimov Farrukh Shokirjonovich**

Technologies of using polyacrylates as an additive to lubricating oils, fuels and as a membrane for capturing CO<sub>2</sub> gas..... 21

**Хакимов Фаррух Шокиржонович**

Технологии использования полиакрилатов в качестве присадки к маслам, топливам и мембранны для улавливания газа CO<sub>2</sub>..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОД  
ИНСТИТУТИ ҲҰЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.16/30.12.2019.T.87.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХАКИМОВ ФАРРУХ ШОКИРЖОНОВИЧ**

**ПОЛИАКРИЛАТЛАРНИ ЁҚИЛГИ, МОЙЛАР УЧУН ҚҮНДИРМА ВА  
СО<sub>2</sub> ГАЗИНИ ТУТУВЧИ МЕМБРАНА СИФАТИДА ҚҮЛЛАШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2/PhD/T2254 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tkti.uz](http://www.tkti.uz)) ва “Ziyonet” таълим ахборот тармоғида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Максумова Ойтўра Ситдиқовна**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тураев Эркин Рустамович**  
техника фанлари доктори

**Абдушукуров Анвар Кабирович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси**  
**Умумий ва ноорганик кимё институти**

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқод институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 16/30.12.2019.T.87.01. рақами Илмий кенгашнинг 2022-йил «9 » ғарб соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116, Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шуробозор. Тел.: (+99895) 144-67-83, факс: (99870) 965-77-16, e-mail: [ooo\\_tniixt@mail.ru](mailto:ooo_tniixt@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий тадқиқод институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111116, Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шуробозор. Тел.: (+99895) 144-67-83, факс: (99870) 965-77-16, e-mail: [ooo\\_tniixt@mail.ru](mailto:ooo_tniixt@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2022 йил «28» ғарб куни тарқатилди.

(2022 йил «28» ғарб даги № 1 рақами реестр баённомаси).



**Джалилов А.Т.**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси к.ф.д., проф, академик

**Ширинов Ш.Д.**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби т.ф.PhD.

**Бекназаров Х.С.**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси т.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Ҳозирги вақтда дунё бўйича мойлаш материалларига бўлган йиллик эҳтиёж 35 миллион тоннани ташкил этади. Ёқилғи тежамкорлигига ва паст ҳароратда двигателни мўтадил ишлашига эришиш учун паст қовушқоқликка эга мавсумий мойлардан кўпроқ фойдаланиш, мойлаш материалларини лойиҳалашдаги базавий мойлар хусусиятларининг асосий омилларига айланди. Шу сабабли сополимерлар, хусусан полиакрилатлар асосидаги полимер қўшимчаларни синтез қилиш ҳамда ёқилғи ва мойлаш материалари, хусусан, мотор, трансмиссия, гидравлик ва бошқа турдаги мойлар ва ёқилғилар учун қўндирилмаларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда EURO талабларига монанд ёқилғилар учун акрилатлар асосидаги маҳсус қўшимча-қўндирилмалар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда, шунингдек нефтни қайта ишлаш жараёнида ажралиб, “иссиқхона эффиқти” ҳосил қилиб атроф - муҳитга зарар келтираётган тутун газларини тутиб қолиш ва ундан мақсадли фойдаланиш, CO<sub>2</sub> газини тутиб қолувчи мембраналарни олиш усулларини ишлаб чиқиш борасида кенг қамровли илмий изланишлар олиб берилмоқда. Бу борада ёқилғилар учун маҳсус антистатик агент ва емирилишга қарши қўндирилмалар, ҳамда тутун газларини қайта ишлашнинг энергия ҳамда ресурс тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда охирги йилларда саноатнинг турли соҳаларида бўлгани каби полимер материаллар ишлаб чиқаришда хомашё базасини маҳаллийлаштириш ва улар асосида импортга йўналтирилган ёқилғи ва мойлар, турли мембраналар, пластик қувурлар, қўндирилмалар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «...маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан унумли фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш технологиясини яратиш» юқори сифатли қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотни, биринчи навбатда, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлашга асосланган юқори технологик қайта ишлаш саноатининг янги юқори босқичига ўтиш орқали саноатни янада модернизация қилиш ва диверсификация қилишининг муҳим вазифалари белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий метилақрилат хомашёси асосида полиакрилатларни олиниш шарт- шароитларини аниқлаштириш ва уларни ёқилғи, мойлар учун қўндирима ва CO<sub>2</sub> газини тутиб қолувчи мембрана сифатида қўллаш технологияларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони.

ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида» ги қарори, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефт-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширида ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ёқилғи ва мойлар учун қўндирма ҳамда CO<sub>2</sub> газини тутувчи мембраналар олиш бўйича Салаҳ А. Моҳамад, Прнаб Гҳош, Канг-Мин Жунг, Ж. К. Хакен, Д. К. М. Хо, Жорж Гелбард, Республикаизда академиклар Джалилов А.Т., Аскаров М.А., Рашидова С.Ш. ва уларнинг илмий мактаблари, шунингдек проф. Хамидов Б.Н., проф. Бобоев Т.Б., проф. Мухамедиев М.Г., проф. Максумова О.С., проф. Рафиков А.С., проф. Кудышкин В.О. ва бошқа олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Илмий изланишлари натижасида ушбу олимлар томонидан маҳаллий хомашёлар ва саноат маҳсулотлари асосида ёқилғи, мойлар учун қўндирма ва CO<sub>2</sub> газини тутувчи мембраналар синтез қилишнинг турли усуллари, олиш жараёнларига турли хил физик-кимёвий ва технологик омилларнинг таъсири ўрганилган, шунингдек, ёқилғи, мойлар учун қўндирма ва CO<sub>2</sub> газини тутувчи мембраналар олишда эритувчи сифатида толуолдан ва катализатор сифатида сулфокислоталар ва қатронлардан фойдаланиш тавсия этилган.

Хозирда Республикаиз, шу мақсадда тузилган "7 Kyoto Protocol to the United Nations Framework Convention on Climate Change" деб номланган халқаро келишувга қўшилган бўлиб, бу борада маҳаллий хомашёлар ва саноат маҳсулотлари асосида янги, самарали ва арzon бўлган ёқилғи ва мойлар учун қўндирма ҳамда CO<sub>2</sub> газини тутувчи мембраналарнинг турларини кенгайтириш мақсадида, фаол функционал гурухларни ўз ичига олган бирикмалар билан модификациялаш, ишлаб чиқаришнинг самарали технологияларини яратиш ҳамда амалиётда қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Нефт маҳсулотларининг сифатини оширувчи

присадкалар олиш усууларини ишлаб чиқиши” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотниң мақсади** махаллий хом ашёлар асосида поликарилаттар олиш ва уларни ёқилғи, мойлар учун қўндирма ва CO<sub>2</sub> газини тутувчи мембрана сифатида қўллаш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотниң вазифалари:**

алкилакрилат сополимерларининг олиш жараёнларини тадқиқ қилиш, уларнинг таркиби ва тузилишини мой ва дизел ёқилғисининг физик - кимёвий хусусиятларига таъсирини аниқлаш;

синтез қилинган алкилакрилат сополимерларини Республикаизда ишлаб чиқарилаётган базавий мойларни қовушқоқлик индексини оширувчи қўндирма сифатида қўллаш ва уларнинг механик деструкцияга чидамлилик даражаларини аниқлаш;

алкилакрилат сополимерларини ультракам олтингугуртли (УКО) синтетик ва чуқур қайта ишланган нефт дизел ёқилғилари учун антистатик агент ва емирилишга қарши қўндирма сифатида қўллаш;

импорт қилинадиган қўндирамалар ўрнини босувчи, акрилатлар асосидаги маҳаллий қўндирамалар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш;

CO<sub>2</sub> газини тутиб қолувчи юқори самарали мембрана синтези;

нефтни бирламчи қайта ишлаш жараёни учун тутун газларини қайта ишлашнинг энергия тежамкор технологиясини ишлаб чиқиши;

**Тадқиқотниң обьекти** сифатида метилакрилат, акрил кислота эфирлари, децил ва бутил спиртлари, GTL технологияси асосида ва нефтни чуқур қайта ишлаб олинган дизел ёқилғилари, қовушқоқликлари яқин бўлган турли кимёвий таркибга эга базавий мойлар, нефт эритувчиси нефрас С 50-170 ва 60 - 70 °C оралиғида қайновчи экстра бензин фракцияси олинган.

**Тадқиқотниң предметини** поликарилатлар асосида, ёқилғи ва мойларнинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятларини яхшиловчи, антистатик ва емирилишга қарши қўндирамалар ҳамда CO<sub>2</sub> газини тутувчи мембраналар олиш, уларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хусусиятлари ташкил этган.

**Тадқиқотниң усуулари.** Тадқиқот олиб бориш жараёнида физик-кимёвий тадқиқот усуулари, қўндирамалар ва нефт маҳсулотларини синаш, адсорбентни циклик сифимини аниқлаш, ИК-спектроскопия ва бошқа усуулардан фойдаланилди.

**Тадқиқотниң илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор алкилакрилатлар иштирокида, GTL технологияси асосида ва нефтни чуқур қайта ишлаб олинган ёқилғилар учун антистатик ва емирилишга қарши қўндирамалар олиш усули ишлаб чиқилган;

метилакрилат билан децил спиртини КУ-2/8 катализатор иштирокида трансэтерификациялаш жараёни орқали децилакрилат олиш усули ишлаб чиқилган;

учламчи сополимер - поли(децил акрилат – со - бутил акрилат – со - метил акрилат) таркибли қўндирамалар (PDBMA ва PDBMA1) олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

синтез қилинган учламчи полимерларнинг депрессорлик хусусиятини кам намоён қилиши, лекин бошқа депрессорлар билан биргалиқда кўлланилганда музлаш ҳароратига синергик таъсир этиши аниқланган;

нефтни қайта ишлаш печлари ёқилғисини ёниши натижасида атроф-мухитга чиқаётган тутун газларини ушлаб қолиш ва ундан фойдали маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги технологик схемаси ишлаб чиқилган;

нефтни бирламчи қайта ишлашдаги мавжуд печларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш ва ёниш жараёнида заҳарли газларни ажралишини камайтириш учун жараённинг автоматлаштирилган ахборот тизими ишлаб чиқилди.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

синтез қилинган алкилакрилат сополимерлари суюқ углеводород маҳсулотларига кўп функцияли қўндирма эканлиги аниқланган;

синтез қилинган, қўндирамалар "UZ-PRISTA" ҚҚ МЧЖнинг SN-145, "Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ (ФНҚИЗ) нинг И-20, ҳамда маҳаллийлаштирилиши қутилаётган гидрокрекинг мойларида қовушқоқлик индексини ошириши аниқланган;

олинган учламчи сополимер поли(децил акрилат – со - бутил акрилат – со - метил акрилат) GTL дизел ёқилғисига 0.1 % оғ. миқдорда қўшилганда, унинг электр ўтказувчанлиги 209 бирликкача қўтарилиши ва бошқа бренд депрессор Keroflux 6100 билан биргалиқда ишлатилганда эса, музлаш ҳарорати -26 дан -30 °C гача пасайганлиги аниқланган;

децил акрилат, бутил акрилат ва метил акрилат асосида олинган полимер қўндирамаларни маҳаллий УКО ёқилғилар учун емирилишга қарши қўндирамалар сифатида қўллаш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** синтез қилинган қўндирма ва мембраналарнинг структура ва хоссаларини ИК-спектроскопия, адсорбентни циклик сифимини аниқлаш ва физик-кимёвий таҳлил қилишнинг замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида аниқланганлиги, ҳамда экспериментал ва назарий натижаларни ўзаро мутаносиблиги билан изоҳланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти этерификация, трансэтерификация, полимерланиш ва амидланиш реакциялари ёрдамида акрил кислота ва метил акрилат асосида полимер ва сополимерлар олиш жараёнларининг шарт-шароитларини тадқиқ этиш орқали жараённинг чиқиндисиз, самарали усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқилган полиалкилакрилат сополимерлари мойларнинг қовушқоқлик индексини ва УКО дизел ёқилғиларининг емирилишга қаршилик кўрсатиш, электр ўтказувчанлик хусусиятларини ошириши,

шунингдек, поликарбонатли мембранинг ажралиб чиқаётган иссиқхона газларини тутиб қолиши ва уни нефтни бирламчи қайта ишлаш қурилмаларидағи технологик печларининг фойдали иш коэффициентини оширишда қўлланилишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Поликарбонатларни ёқилғи, мойлар учун қўндирма ва CO<sub>2</sub> газини тутувчи мембрана сифатида қўллаш технологиялари бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

акрил мономерлари асосида олинган сополимерни, SHODISAN 20 маркадаги дизел ёқилғиси учун емирилишга қарши қўндирма сифатида қўллаш бўйича ишлаб чиқилган ташкилот стандарти «Узстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts 29858293-02:2021). Натижада импорт ўрнини босувчи сифатли маҳаллий қўндирамани «Kvalitet Vostok Group» МЧЖ да ишлаб чиқаришга имкон берган;

поликарбонатлар асосида олинган қўндирма «Бухоро НҚИЗ» МЧЖ да амалиётга жорий қилинган (“Ўзбекнефтегаз” АЖ нинг 2021 йил 12 июлдаги № 28-1-01/703 сон маълумотномаси). Натижада, EURO 3 - 5 дизел ёқилғисини эксплуатация қилишда унинг емирилишга қарши хусусиятларини яхшилаш имконини берган;

нефтни бирламчи қайта ишлаш печларидаги ёниш жараёнини оптималлаш усули «Фарфона НҚИЗ» МЧЖ корхонасидаги амалиётга жорий қилинган (“Ўзбекнефтегаз” АЖ нинг 2021 йил 12 июлдаги № 28-1-01/703 сон маълумотномаси). Натижада нефтни бирламчи қайта ишлаш печларининг фойдали иш коэффициентини ошириб, энергия сарфини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 8 та, жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий ишлар чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмida ўказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ёқилғи, мойлар учун қўндирилмалар олиш йўллари, уларнинг хусусиятлари ва нефтни қайта ишлиш усуслари» деб номланган биринчи бобида асосан полиакрилатларнинг нефт маҳсулотларига қўндирилмалар олишда қўлланилиши, республикамиз ва жаҳон олимларининг бу соҳада олиб бораётган илмий ишланмалар ҳақида, қолаверса, мавжуд нефтни бирламчи қайта ишлиш жараёнида қўлланилган технологиялар ҳақида сўз боради. Шунингдек, Ўзбекистон республикаси ва жаҳон ҳамжамияти томонидан экологик ҳолатни яхшилаш борасида ишлаб чиқилаётган қонун ва қарорлар ҳақида ҳам баён этилган.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, акрилатлардан дунё бўйича юқори самарадорликка эга мой ва ёқилғиларга қўшиладиган қўндирилмалар ва CO<sub>2</sub> газини тутувчи мемраналарни ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилаётган бўлиб, уларни ичида энергия тежамкор ва атрофмуҳитга зарар келтирмайдиганлар технологиялар салмоғини оширишга талаб борлиги кўринади.


Диссертациянинг «Полиакрилатлар асосида ёқилғи ва мойлар учун қўндирилма ва CO<sub>2</sub> газини тутувчи мемраналар синтези ва тадқиқот усуслари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар учун бошланғич моддалар «Фаргона нефтни қайта ишлиш заводи» МЧЖнинг И-20А қўндирилмасиз индустрисиз кутилаётган гидрокрекинг базавий мойлари, экстра бензин фракцияси, техник толуол, "Чиноз нефтни қайта ишлиш заводи" МЧЖнинг нефрас С 50-170, «Navoiyazot» АЖнинг метил акрилат, бутанол, концентрланган ёки техник HCl, Uzbekistan GTLда ишлаб чиқарилиши кутилаётган парафинли ва “Бухоро нефтни қайта ишлиш заводи” МЧЖда ишлаб чиқарилаётган ультракам олтингугуртли нефт дизел ёқилғиси, “Uz-Prista Recycling” ҚҚ МЧЖнинг SN-145 базавий мойи ҳамда импорт ҳомашёлар 1-деканол, гидрохинон, 2-меркаптоэтанол, 2,2'-азобисизобутиронитрил (АИБН ёки ДАК), Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> ва гранулланган активланган кўмир, КУ-2-8 Na маркадаги катион алмашинувчи қатронлар тўғрисидаги маълумотлар, лаборатория тажрибалари, спектрал таҳлиллар ўтказилган жойлар ва ушбу диссертация ишида олиб борилувчи тадқиқот усуслари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «Полиалкилакрилатлар асосида қўндирилмалар ва CO<sub>2</sub> газини ютувчи мембрана олиш ва уларни самарадорлигини аниқлаш» деб номланган учинчи бобида мойларни қовушқоқлик индексини оширувчи ва дизел ёқилғилари учун антистатик ҳамда емирилишга қарши қўндирилмалар, поликарил кислотага асосланган мембрана синтези жараёнлари, синтез қилиб олинган қўндирилма ва мемрананинг ИК-спектрлари таҳлили, ишлаб чиқилган қўндирилманинг мой ва ёқилғиларда ишишини, мемрананинг CO<sub>2</sub> газини ютувчанлигини аниқлаш тажрибатадқиқот ишлари тўлиқ баён этилган.

Жараённинг биринчи босқичи децил ва бутил акрилат (ДА, БА) ни олиш учун метил акрилат ва мос спиртлар билан трансэтерификация жараёни

ҳисобланади. Бунда эритувчи сифатида ФНКИЗ экстра бензинининг 60 ва 70 °С оралигидан қайновчи фракциясидан фойдаланилди. ФЕГ 60-70 гексанли углеводород фракцияси ва метанол гетероазеотроп аралашмасига мос келувчи азеотроп қайнаш ҳарорати нормал шароитда 49-51 °С ни ташкил қилади.

Худди шу каби метил акрилат билан метанол азеотропининг қайнаш ҳарорати 62-64 °С ни ташкил этиб, бу индивидуал суюқликларнинг қайнаш ҳароратларидан пастроқдир (маълумот учун, метанолнинг қайнаш ҳарорати 64.7 °С, метил акрилатники эса 80 °С). Ўртача 13 °С ли қайнаш ҳарорати фарқи бу азеотропларни ректификация қилиш билан нисбатан осон ажратиш имконини берди. Бундан ташқари реакция унумини ажralаётган метанол ҳисобига визуал кузатиб туришга ва оралиқ реакцияларнинг камайишига эришилди.



Ушбу эритма (суюқликлар аралашмаси) минимум қайнаш ҳароратига эга азеотроп ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлиб, Раоулт қонунидан каттароқ мусбат чекланиш намоён қилади. Лаборатория синтезларида азеотроп ҳосил қилувчи агент сифатида ФЕГ 60-70 дан фойдаланилган ҳолда олинган алкил акрилатларнинг унуми 97-100% ни ташкил этди (эритувчисиз олингандаги каби). Ушбу жараённинг бошқа параметрлари 1-жадвалда келтирилди.

### 1 - жадвал

#### Децил акрилатни гетероазеотропли синтези учун хом ашёларни юклаш

	Мол.оф. g/mol	Миқдор			mmol	Нисбат	Ҳарорат / Босим
		g	ml (х.х)	эквив.			
Деканол	158.28	158.28	191	158.28	1000	1	80-100 °C / (-0.8) - 0 kgk/sm <sup>2</sup>
Метил акрилат (МА)	86.09	111.9	117.9	86.09	1300	1.3	
ФЕГ 60-70	≈86	55	82	-	-	-	
Гидрохинон	110.11	1.12	-	-	10.17	0.01017	
КУ-2-8 Н	-	4 + 4	-	-	-	-	

Децил, бутил ва метил акрилатлардан ташкил топган учламчи полимерлар синтези атмосфера босими ва 80-120 °С ҳароратда, азот мухитида, АИБН инициатори иштирокида амалга оширилган. Юқоридаги мономерларнинг 3:1:1 мол. нисбатда юкланиши, яъни ён радикалдаги углеродлар сонининг 7 та бўлиши нефт маҳсулотларида керакли эрувчанликни намоён қилган. Алfreй - Голдфрингер тенгламаси ёрдамида

ДА:БА:МА бошланғич мономерлар биргалиқда юкланғанда сополимерланиш махсулоти таркиби аниқланған (2-жадвалга қаранг).

Қовушқоқлик индекси маълумотларини таҳлилига келсак, полимерларни 1 % (оф.) концентрацияда 3 турдаги яқин қовушқоқликка, аммо ҳар хил кимёвий таркибга эга базавий мойлар билан компоундирланған ва ҳосил бўлган мойлар қовушқоқлик индекси (ҚИ) қийматлари ҳисобланған. Мономерларни бир марталик юклаш режимида олинган сополимер PDBMA кўшилған базавий мой 12-13 бирлик ҚИ ўсишини намоён қилган бўлса, мономерлари кетма-кет юклаб синтез қилинған сополимер PDBMA1 кўшилғани 26-50 бирлик ўсишни намоён қилди. Бундан ташқари, PDBMA1 нинг молекуляр оғирлиги паст бўлишига қарамай қуюқлаштирувчи таъсири ҳам сезиларли даражада ошган. Бу кўрсатгичга занжирни узатиш агенти сифатида қўшилған 2-меркаптоэтанол натижасида олинган PDBMA1 терполимерининг тор полидисперслик кўрсаткичи ва қисқа радикаллар туфайли эришилди.

## 2 - жадвал


**Мономерларни бир марталик юклаш режимида олинган (Алfreй - Голдфрингер тенглама ёрдамида ҳисобланған) ва азеотроп сополимерланиш махсулотлари таркибларидағи сополимерланған мономерлар нисбатлари:**

Номи	Дастлабки мономерлар таркиби [M <sub>1</sub> ]: [M <sub>2</sub> ]: [M <sub>3</sub> ]	Полимер таркиби [M <sub>1</sub> ]: [M <sub>2</sub> ]: [M <sub>3</sub> ] – азеотроп тизим	Алfreй - Голдфрингер тенгламаси бўйича полимер таркиби [M <sub>1</sub> ]: [M <sub>2</sub> ]: [M <sub>3</sub> ]
Нисбат (ДА: БА: МА)	3: 1: 1	3: 1: 1	1.64: 0.86: 1.00
Гиббс диаграммасида	0.6: 0.2: 0.2	0.6: 0.2: 0.2	0.328: 0.172: 0.200

PDBMA1 ни Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи УКО дизели учун емирилишга қарши қўндирима сифатида қўллаб кўрилганда юқори самарадорликка эришилди. Қўйида ASTM D 6079 ёрдамида олиб борилган тахлил натижаларини кўришингиз мумкин. Полимерда калта занжирли радикал тутган бўғиннинг бўлиши ушбу қўндиримага қутблилик хусусиятини беради. Ушбу қутбли учлари билан метал юзасига ёпишиб олган қўндирима, қутбсиз узун занжирли радикал тутган бўғини билан металлар ишқаланиш юзасига плёнка кўринишида сирпанчиқ юза ҳосил қилиб емирилишга йўл қўймайди. Асосан парафин углеводородларидан ташкил топган GTL дизелига ҳар икки полимер ҳам Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи УКО дизел ёқилғисидан тайёрланған EURO 5 дизелларига нисбатан қўпроқ (микронларда) мойлаш хусусиятини берди. Бу Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи дизелида наften углеводородларининг бўлиши ва уларнинг қутблилиги нисбатан юқорилиги билан тушунтирилади.

GTL ва БНҚИЗнинг ультракам олtingугурт тутган EURO - 5 дизел ёқилғилари 0,1 % қўндирима тутган ҳолда мойлаш хусусияти яъни HFRR

аппаратидаги 60 °C га түғриланган емирилиш юзаси мос равища 47 % ва 49 % гача камайди. Олинган терполимер децил акрилат ва акрил кислотадан олинган сополимерга нисбатан яхшироқ ишлади. 80% децил акрилат ва 20% акрил кислотадан иборат биполимер эса мос равища 39% ва 27% гача емирилиш пасайишини ташкил этди. Кўринадики, 20 % бутил акрилат ва 20 % метил акрилат децил акрилатга 20 % акрил кислотага нисбатан кўпроқ мойлаш хусусиятини беради.



**1-расм. УКО (Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи) ва парафинли (GTL) дизел ёқилғиларида полиакрилатларни емирилишга қарши кўндириналар сифатида самарадорлигини синаш натижалари**

Шунингдек, синтез қилинган терполимерларнинг синергетик таъсири Keroflux 6100 маркали депрессор кўндирима билан биргаликда GTL дизелида ишлатилганда аниқланди. GTL дизелининг электр ўтказувчанлик кўрсатгичи ҳам 0,1 % оғ. концентрацияяда терполимерлар билан ишлов берилганда кескин равища оширилишга эришилди. Шу билан биргаликда, 40 °C даги қовушқоқлиги 0.2 бирликка кўтарилди.

Шу таркибли Shodisan 20 маркадаги емирилишга қарши кўндирима ишлаб чиқилиб, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида ушбу кўндирима иштирокида 666 тонна ДТ-ЕВРО-Л-К 5 маркадаги дизел ёқилғиси ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган махсулотнинг барча кўрсатгичлари бўйича ушбу корхона марказий лабораториясида синовлардан муваффақиятли ўтди ва UzTR.931-028:2017 (Ts16472899-044:220) бўйича паспортлаш амалга оширилди.


Полиакрил кислотасига асосланган мембрана синтези жараёни қўйида баён этилган. Полиакрил кислотаси синтези буғ муҳитида амалга оширилди. Сўнг ишлаб чиқилган полиакрил кислотасига полиэтилен полиаминни хўл усулда юттириш амалга оширилди. Полиакрил кислота билан полиамин реакцияси 0,85:1,0 масса нисбатида суюқ фазада олиб борилди. Хона ҳароратигача совитилган адсорбентлар синов учун оғзи зич ёпиладиган идишда сақланди.

Мембраннынг CO<sub>2</sub> газини ютувчанигини ва адсорбентни қайта тиклаш, яъни регенерацияси лаборатория шароитида амалга оширилди. Синтез қилиб олинган қаттиқ сорбент (мембрана) саноат миқёсида кенг

қўлланиувчи сорбентлар моноэтаноламин (МЭА) ва метилдиэтаноламин (МДЭА) 30 % ли эритмалари билан солиширилди.

Десорбция ҳарорати 70 °C, босими <100 мБар ва адсорбция ҳарорати 40 °C ва босими 50 мм сув устуни шароитида полиакрилатли мембрана ютувчанигина, циклик сифимини ва ютиш тезлигини тадқиқ қилинди.

Синтез қилиб олинган, полиакрил кислотага асосланган мембраналар ва 30% ли моноэтаноламин ва метилдиэтаноламин эритмалари ҳар биридан бир хил миқдорда CO<sub>2</sub> ўтиши таъминланди, бунинг учун ҳар бир циклдан аввал эксикатор ичи олдинги тажрибадан қолган CO<sub>2</sub> газидан тозалаш учун пастга қаратиб шамоллатиб турилди, адсорбция тезлиги ҳар 15, 30, 45, 60 минут оралиғида мембранны үзида сақлаган адсорбер массасини тортиш орқали кузатиб турилди.



**2 – расм. Адсорбция/абсорбция ва десорбция тезлиги түғрисидаги маълумотлар график тасвири. ПАМ, ПАМ1 - полиакрилатли мембраналар, МЭА, МДЭА эритмаларининг 30% эритмалари**


Ушбу сорбентлар учун ўртача абсорбция тезлиги 40 °C да МЭА>ПАМ>ПАМ1>МДЭА тартибини, десорбция тезлиги эса 70 °C да шу сорбентлар учун ПАМ1>МДЭА>МЭА>ПАМ тартибини ташкил этди. Мембраналарда адсорбция тезлиги аввалги 30 минутда юқори бўлиб, сўнг аста - секин камайиб бориши кузатилди (2-расмга қаранг).

Кўринадики, ушбу шароит учун абсорбция/десорбциядан сўнг (40 ° C) МЭА, ПАМ, ПАМ1 ва МДЭА нинг CO<sub>2</sub>га тўйинган (максимум) юкламалари мос равишда 49, 29, 27 ва 18 г/кг.ни ташкил этди. Бунга эришиш учун ўртача 45-60 минут вақт сарфланди. 30-дақиқа регенерациялангач МЭА, ПАМ, ПАМ1 ва МДЭА нинг CO<sub>2</sub> – сийрак (минимум) юкланиши мос равишда 43, 24, 11 ва 8 г / кг ни ташкил этиши аниқланди. Ушбу сорбентларнинг ишчи циклик сифими ПАМ1 (16 мг/г) > МДЭА (10 мг/г) > МЭА (6 мг/г) > ПАМ (5 мг/г) тартибга мос келди. Олиб борилган синовда ПАМ1 нинг циклик CO<sub>2</sub> тутиш қобилияти энг юқори деб баҳоланди, олинган натижалар юқори такрорланувчаникни кўрсатди. ПАМ1 бурдаларининг ташки қобигига полiamин концентрациясининг йиғилиши билан циклик сифими ошганлиги, аксинча ички қисмига чуқур сингитилган полiamинли мембрана ПАМда бу кўрсатгич камайгани аниқланди.

Диссертациянинг “Полиакрилатлардан ёқилғи, мойлар учун қўндирилмалар олиш ва нефтни бирламчи қайта ишлаш чиқиндисиз технологияларини ишлаб чиқиши” номли тўртинчи бобида учламчи сополимерлар ва полиалкилакрилатли қўндирилмалар олиш, нефтни бирламчи қайта ишлаш жараёнида энергия тежамкор ва чиқиндисиз технологияларни ташкил этиш ҳамда акрил полимерлари ёрдамида нефтни қайта ишлаш жараёнида чиқиндисиз технологияни ташкил этиш бўйича ишлар амалга оширилган.

Полиакрилатли қўндирилмалар ишлаб чиқариш жараёни икки асосий босқичдан иборат (3-расмга қаранг): 1) спиртлар (бутанол ва деканол) билан метил акрилатни қайта этерификациялаб юқори молекулали акрилатларини синтез қилиш ва уларни тозалаш, 2) олинган мономерларни комбинацион қўшиш орқали полимерлаб олинган акрилатли қўндирилмани суюқ нефт маҳсулотларига компоундирлаш.

Ишлаб чиқаришда бошқа турли алифатик спиртлар ( $C_4-C_{16}$ ), метил акрилат, толуол (эритувчи), КУ-2/8 (катализатори), гидрохинон (стабилизатор), 2, 2'-Азобисизобутиронитрил (инициатор) реагентлари ишлатилиши мумкин. Курилманинг асосий жихозлари **1** - этерификациялаш ва **12** - полимерлаш реакторлари ҳисобланади. **3** – сепараторнинг совутиш қобиги бўлиб, бу гетероазеотроп аралашмаси (метанол ва ФЕГ 60-70) нинг катламлашишини тезлаштирган.



**1,12–аралаштиргичли реакторлар; 2–ректификация колоннаси; 3–метанол ва гетероазеотроп ҳосил қуловчи эритувчини ажратиш сепаратори; 4–фильтр; 5–адсорбентли устун; 6–адсорбентни регенерациялаш жиҳози; 7–центрафугали ажратгич; 8, 8'–монжуслар; 9–мой устуни, 11,11',11''–дозаторлар; 10–эритиш учун аппарат; 13–чўқтириши аппарати; 14–сигим; 14'–компоундирлаш жиҳози; 15–айланувчи плёнкали буғлатгич; 16,16',16''–совитгичлар; 17–марказдан қочма насос; 18–шленк линияси.**

**3-расм. Полиакрилатли қўндирилмалар ишлаб чиқарувчи узлуксиз ишлайдиган қурилманинг технологик схемаси.**


Шунингдек, нефтни бирламчи қайта ишлаш жараёнида энергия тежамкор технологияни жорий этиш ва ушбу жараёнда ишлатилувчи печлардаги ёниш жараёни ҳисобини автоматлаштириш бўйича илмий ишланма таклиф этилган.

Саноат печларидан, шу жумладан нефтни қайта ишлаш печларидан унумли фойдаланиш, уларда ёқилаётган ёқилғиларнинг ёниш иссиқликларидан иложи борича тўлалигича фойдаланиш, атроф-мухитга келтирилаётган зарарни бартараф қилиш учун қўйидаги уч босқичли технологик қўшимча ва ўзгартиришларни жорий этиш ишларини олиб бориш кўзда тутилди:

- иш (режимини) шароитини оптималлаш;
- чиқаётган иссиқликдан самарали фойдаланиш;
- чиқиндиларни қайта ишлаш.

Авваламбор, Excel дастурида ФНҚИЗдаги ЭЛОУ-АВТ-2/3 технологик қурилмасидаги нефтни бирламчи ҳайдаш технологик печи ёниш жараёнини материал балансини ҳисболовчи ахборот тизими яратилди. Бунда ёқилаётган ёқилғи таркибини аниқлаш стандарт методикаларидан фойдаланиш орқали азот, олтингугурт миқдорини аниқлаб, улар ёнганда ажралиб чиқадиган заҳарли ангидридлар миқдорини башорат қилиш имконияти пайдо бўлди. Чиқаётган тутун газлари таркибида заҳарли ҳамда иссиқхона газлари норма (ПДВ) дагидан юқори бўлса М устундаги қийматлар  $\text{SO}_2$  учун қизил,  $\text{NO}$  учун қўнғир,  $\text{NO}_2$  учун яшил тусга бўялади (электрон иловага ёки 3 - жадвалга қаранг).

Жараённи оптималлаштириш орқали нефтни бирламчи қайта ишлаш печлари фойдали иш коэффициентини 70,68% бўлишига эришилган. Ушбу жараённинг технологик схемалари 4,5-расмларда келтирилган.



1-оёма равоқли, шахтали иккита ёниш камерасига эга қувурли печ; 2-мўри; 3,3<sup>1</sup>-шиберлар; 3<sup>2</sup>,3<sup>3</sup>-клапанлар, 4-тутун газлари иссиқлигидан унумли фойдаланиши жихози; 5-тутун газлари сўргичи; 6-рессивер ёки ҷўктириши камераси; 7-буг генератори; 8-поршенли насос; 9-рекуператор.

Оқимлар спецификацияси: I-тутун газлари; II-ўтқир буғ; III-юмшоқ буғ+буғ конденсат; IV-атмосфера ҳавоси; V-иссиқ ҳаво; V-Na<sub>3</sub>PO<sub>4</sub>; VI-гидразин-гидрат; VII-қаттиқ ва мойсимон чўқиндилар; IX-қасмоқ, X-тутун газларини ажратиши бўлимига; XII-аммиакли сув.

#### 4 – расм. Тутун газлари иссиқлигидан унумли фойдаланиш принципиал технологик схемаси


**3 - жадвал**

**П-1 пецида ёниш жараёни материал баланси**

A	B	C	D	E	F	G	H	I	J	K	L	M	N
Кириш						Чиқиш							
№	Номи	кг/соат	%	м <sup>3</sup> /соат	%	№	Номи	кг/соат	%	м <sup>3</sup> /соат	%	Факт, мг/м <sup>3</sup>	ПДВ, мг/м <sup>3</sup>
1	C <sub>2</sub> H <sub>6</sub>	1989,52	2,51	1485,51	42,22	1	CO <sub>2</sub>	7430,91	9,37	3783,01	6,02		
	H <sub>2</sub> S	10,48	0,01	6,90	0,20	2	CH	0,20	0,00	0,15	0,00	3,18	10,61
2	Маз. комп.C <sub>15</sub> H <sub>32</sub>	390,54	0,49	609,20	17,31	3	SO <sub>2</sub>	30,30	0,04	10,60	0,02	482,16	362,70
	C <sub>5</sub> H <sub>11</sub> -S-C <sub>6</sub> H <sub>13</sub>	31,08	0,04			4	H <sub>2</sub> O	5372,36	6,77	6685,61	10,64		
	2C <sub>5</sub> H <sub>5</sub> N	79,90	0,10			5	N <sub>2</sub> ва ин.газ	58177,56	73,34	46542,05	74,06		
	C <sub>5</sub> H <sub>11</sub> OC <sub>6</sub> H <sub>13</sub>	28,49	0,04			6	O <sub>2</sub>	8278,09	10,44	5794,66	9,22		
3	Сув буғи	1138,50	1,44	1416,80	40,27	7	CO	1,87	0,00	1,49	0,00	29,70	33,11
4	Хаво	75653,52	95,38	58435,83	1660,86	8	NO	30,00	0,04	22,40	0,04	477,40	115,75
						9	NO <sub>2</sub>	0,52	0,00	0,25	0,00	8,31	5,79
	Жами	79322	100	3518	100		Жами	79322	100	62840	100		

PDV – максималь рухсат этилган эмиссия

Бу берк идеалга яқин тизимдир, яғни бунда фақатгина ҳомашёнинг кириши ва тайёр маҳсулотнинг чиқиши содир бўлади, яғни йўқотилишларни минимал даражага туширишга қаратилган. Бунинг учун 370 °C ҳароратда атмосферага чиқиб кетаётган тутун газларининг иссиқлигидан оқилона фойдаланиб, технологик мақсадларда ишлатиш учун ўткир буғ ва иссиқ ҳаво олиш, бу билан тутун газлари ҳароратини 105-115 °C гача туширилади. Тутун газларини ажратиш принципиал технологик схемаси 5-расмда ифодаланган.



$5^1$ -тутун сўргич;  $8^2$ -вакуум насос,  $8^1$ -марказдан қочма насос; 10-газларни аралашибдиши жихози;  $10^1$ -озонатор (ёки калий перманганатли сув); 11-экономайзер (бойлер); 12-скруббур; 13-томчи ушлагич; 14,  $14^1$ -компрессорлар; 15-абсорбция колоннаси;  $16, 16^1$ -сувли совутгичлар; 17- $\text{CaCO}_3$  эритмасини тайёрлаши ва гипс ишлаб чиқариши бўлими; 18-абсорбентни ушлаб қолиши жихози;  $19/19^1$ -полиакрилатли мембрана тутган адсорбер/десорбер; 20-компрессия бўлими.

Оқимлар спецификацияси: III-юмшоқ буғ + буғ конденсат; II-ўткир буғ; XI-айланма сув, XII-15-20 % ли аммиакли сув; XIII- $N_xO_u$  ва қисман  $SO_n$  тутган минерал ўғит; XIV- $CO_2$ ,  $O_2, N_2$  дан ташкил топган газлар аралашибмаси; XV-карбонат ангирид компрессиялаши бўлимига; XVI-91-95%  $N_2$  ва 5-9 %  $O_2$  дан иборат газлар аралашибмаси И-1А қурилмасига XVII-оҳактош; XVIII-гипс.

##### 5- расм. Тутун газларини ажратиш принципиал технологик схемаси

Ишлаб чиқилган ўткир буғ  $19/19^1$  - адсорбент ораликларига киритилган илонсимон қувурлар орқали ҳаракатланиб адсорбентни 70 °C гача қиздиради,

бу  $\text{CO}_2$  ва адсорбент ҳосил қилган кимёвий боғни узилишига олиб келади ва тоза ҳолда  $\text{CO}_2$  олиш имконини беради. Десорбция жараёни учун вакуум остида ўзгарувчан ҳароратли ажратиш режимини танлаб олинди. Иссикликка бўлган эхтиёж ушбу ишлаб чиқилаётган ўткир буғ иссиқлиги ҳисобига қопланади. Тутун газлари озон билан **10**-аралаштиргич жихозига киради. Оксидланган газлар кислотали газлар ҳисбланиб, адсорбентга осон ютилади. Сўнг тўла оксидланган тутун газлари ўз иссиқлигини **11**-экономайзерда (бойлер) хўжалик сувлари (ёки технологик *деаэратор суви*) ни иситиш учун узатади. Кислотали оксидлар аммиак билан биргаликда конденсатга адсорбцияланиб, қурилмаларни емирмайдиган даражада нейтрал муҳит ҳосил қилган ҳолда аппаратдан чиқазилади ва барқарор ўғит ишлаб чиқариш бўлимига юборилади. Конденсатланмаган тутун газлари  $40\text{-}70\ ^\circ\text{C}$  ҳароратда **12**- скрубберга кириб, у ерда ҳам аммиакли сув ( $\text{pH}=5\text{-}10$ ) ёрдамида ювилади. Ҳосил бўлган беқарор  $\text{NH}_4\text{NO}_2$  ва  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_3$  тузларидан барқарор ўғитлар  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  ва  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$  лар олинади. Конденсатланмаган газлар **5<sup>1</sup>** - тутун сўргич ёрдамида **13**-томчи ушлагичли сепаратордан сўрилиб, **14**-компрессорга, у ердан **15**-адсорберга берилади, ёки унга кирмасдан **19/19<sup>1</sup>** - адсорберга берилади. **15**-адсорберда 30 % ли оҳактош эритмаси ёрдамида тутун газлари таркибидаги  $\text{SO}_2$  ютиб қолинади. Бу жараён натижасида оҳактош  $\text{CaCO}_3$  дан гипс  $\text{CaSO}_4$  ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Таркибида асосан азот -  $\text{N}_2$ ,  $\text{O}_2$ ,  $\text{CO}_2$ ,  $\text{H}_2\text{O}$  ва оз миқдорда (<2 ppm) бошқа кислотали оксидларни ўзида тутган тутун газлари **19/19<sup>1</sup>**-адсорбернинг ПАМ қатламидан ўтади. Бу ерда тутун гази таркибидаги  $\text{CO}_2$  тутиб қолинади. **19/19<sup>1</sup>** - адсорбер ПАМни ўзида сақлаган бўлиб, у даврий равищда **19<sup>1</sup>/19** - десорбер билан алмашган ҳолда ишлайди. Десорбциялаш учун аввало десорбер ички босими **8<sup>2</sup>**- вакуум насос ёрдамида  $\leq 100$  мбар<sub>абс</sub> гача пасайтирилади ва ўткир буғ иссиқлиги ёрдамида десорбер қобиғи ва адсорбент оралиғига илонсимон тарзда киритилган қувурлар аста-секинлик билан  $70\ ^\circ\text{C}$  гача қиздирилади. Адсорбентга ютилган  $\text{CO}_2$  ажратиб олиниб, **16<sup>1</sup>** - сувли совитгич ёрдамида совитилиб, **20**-компрессия бўлимига, ундан сўнг мақсадли ишлатиш, мисол учун қуруқ муз, акрил кислотаси ишлаб чиқариш қурилмасига ва бошқа нефт-кимёвий ишлаб чиқариш қурилмаларига жўнатилади. Юқорида баён этилган печда ГДС қурилмасининг 49-блокида аминли тозалашдан ўтган технологик газ ёқилганда  $\text{SO}_{\text{n}}$ ,  $\text{N}_x\text{O}$  газлари ва аэрозоллар деярли бўлмайди, бу ҳолда скрубберга аммиакли сув берилмайди, тутун газлари **15** - адсорберга кирмасдан байпас линия оркали **19/19<sup>1</sup>** - адсорберга киради.

## ХУЛОСА

1. Деканол/бутанол ва метил акрилат асосида КУ-2-8Н катализатори иштирокида, 80-100 °С ҳарорат ва атмосфера босими остида, метанол билан гетероазеотроп ҳосил қилувчи Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи экстрабензинининг 60 ва 70 °С оралиғида қайновчи фракцияси мұхитида трансэтерификация реакцияси орқали децил акрилат олиш жараёнида оралиқ реакциялар камайишига эришилган ҳамда амалдаги технологияларда мавжуд бўлган азеотропни ажратиш, ювиш ва қуритиш босқичларидан воз кечилган.

2. Да: БА:МА асосида учламчи сополимер ҳосил бўлиш жараёни тадқиқ қилинган. Сополимерланиш жараёнида инициатор сифатида АИБН, занжир узатувчи агент сифатида 2-меркаптоэтанол ва эритувчи сифатида Нефрас С 50-170 дан фойдаланилган, реакция атмосфера босимида ва 80-120 °С ҳароратда олиб борилган. Сополимерланиш константалари ҳисобланиб, Алfreй - Голдфрингер tenglamasi ёрдамида Да:БА:МА сополимерланиши маҳсулоти таркиби аниқланган ва реакция мұхитига мономерларни навбатли юклаш режими ишлаб чиқилган.

3. Децил акрилат, бутил акрилат ва метил акрилат асосида олинган сополимерлар, “Фаргона НҚИЗ” МЧЖ да қовушқоқлик индексини оширувчи қўндирма сифатида базавий мойларга 1 % дан қўшилганда уларнинг қовушқоқлик индекслари 26 бирликдан 50 бирликкача қўтарилиши аниқланган.

4. Олинган сополимерлар GTL дизел ёқилғисига 0.1 % оғ. миқдорда қўшилганда унинг электр ўтказувчанилиги 209 бирликка қўтарилиган. GTL дизел ёқилғисида бошқа бренд депрессор Keroflux6100 билан биргаликда қўшилганда музлаш ҳароратини -26 дан -30 °С гача пасайтирган. Ультракам олtingугурт тутган EURO - 5 дизел ёқилғиларига синтез қилинган қўндирамани 0,1 % қўшилганда, уларнинг емирилиш юзаси 49 % гача камайган, 40 °С даги қовушқоқлиги 0.2 бирликка қўтарилиган.

5. Полиамин ва полиакрил кислота асосида олинган қисман чокланган полиакрилатли мембраннынг тутун газлари таркибидаги CO<sub>2</sub> газини ютиш циклик сифими, амалда қўлланилаётган МЭА ва МДЭА лардан юқори эканлиги аниқланган.

6. Полиакрилатли қўндирма импорт ўрнини босувчи Shodisan 20 маркадаги маҳаллий емирилишга қарши қўндирма сифатида саноат миқёсида ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Иқтисодий самарадорлик йилига 1 224 794 160 сўмни ташкил этиши аниқланган.

7. Технологик қўрсатгичларни оптималлаш орқали “Фаргона НҚИЗ” даги ЭЛОУ-АВТ-3 қурилмаси технологик печларининг максимал фойдали иш коэффициентини 70.68% гача қўтарилиб, йилига 420.792 тонна (29 % суюқ ва 71 % газ) ёқилғини иқтисод бўлишига эришилган ва иқтисодий самарадорликни йилига 419 459 127 сўмни ташкил этиши аниқланган.

**SCIENTIFIC COUNCIL DSc.16/30.12.2019.T.87.01 ON ACADEMICATION  
OF ACADEMIC DEGREES AT THE TASHKENT SCIENTIFIC  
RESEARCH INSTITUTE OF CHEMICAL TECHNOLOGY  
TASHKENT CHEMICAL TECHNOLOGICAL INSTITUTE**

---

**KHAKIMOV FARRUKH SHOKIRJONOVICH**

**TECHNOLOGIES OF USING POLYACRYLATES AS AN ADDITIVE TO  
LUBRICATING OILS, FUELS, AND AS A MEMBRANE FOR  
CAPTURING CO<sub>2</sub> GAS**

**02.00.14 – Technology of organic substances and materials based on them**

**DISSERTATION ABSTRACT  
OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD) ON TECHNICAL SCIENCES**

**The dissertation topic of the Doctor of Philosophy (PhD) in technical sciences is registered in the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the numbers of B2021.2.PhD/T2254.**

The dissertation has been prepared at the Tashkent Chemical Technological Institute.

The abstract of dissertation in three languages (Uzbek, English, Russian (resume)) is available online [www.tkti.uz](http://www.tkti.uz) and on the website of «ZiyoNet» information-educational portal [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)

**Supervisor:**

**Maksumova Oytura Sittikovna**  
Doctor of Chemical Sciences, Professor

**Official opponents:**

**Turaev Erkin Rustamovich**  
Doctor of Technical Sciences

**Abdushukurov Anvar Kabirovich**  
Doctor of Chemical Sciences, Professor

**Leading Organization:**


**Institute of General and Inorganic Chemistry of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan**

The defense will take place on "9" Feb 2022 at "10" hours at a meeting of the Scientific Council DSc. 16/30.12.2019.T.87.01 at the Tashkent Research Institute of Chemical Technology at the address: 111116, Tashkent region, Tashkent district, pos. Ibrat n / a Shurabazar tel (+99895) 144-67-83, fax: (+99870) 965-77-16, e-mail: ooo\_tniixt@mail.ru).

The dissertation was registered at the Information Resource Center of the Tashkent Scientific Research Institute of Chemical Technology No. 14, which can be found in the IRC (111116, Tashkent region, Tashkent district, Shurabazar, tel.: (+99895) 144-67-83, fax : (+99870) 965-77-16, e-mail: ooo\_tniixt@mail.ru).

The abstract of the dissertation has been distributed on «28» Jan 2022 year

Protocol at the register № 1 dated «28» January 2022 year



**A.T. Djalilov**

Chairman of the Scientific Council for  
Awarding of the scientific degrees,  
Doctor of Technical Sciences, professor, academician

**Sh.D. Shirinov**

Scientific Secretary of the Scientific Council  
for awarding the scientific degrees,  
Candidate of Technical Sciences PhD

**Kh. S. Beknazarov**

Chairman of the Scientific Seminar under Scientific  
Council for awarding the scientific degrees,  
Doctor of Technical Sciences, Professor

## **INTRODUCTION (abstract of PhD dissertation)**

**Relevance and necessity of the dissertation topic.** Currently, the annual demand for lubricants worldwide is 35 million tons. The increased use of seasonal oils with low viscosity to achieve fuel economy and engine motility at low temperatures have become the main factors in the properties of base oils in the design of lubricants. Therefore, it is essential to synthesize polymer additives based on copolymers, especially polyacrylates, and to develop additives for fuels and lubricants, especially motor, transmission, hydraulic and other types of oils and fuels.

Today, the world pays special attention to the production of special acrylic-based additives for fuels that meet EURO requirements, moreover, extensive research is also being conducted to develop methods for capturing and targeted usage of flue gases that are released during oil refining and create a "greenhouse effect" that is harmful to the environment, as well as for the production of CO<sub>2</sub>-capturing membranes. In this regard, the development of special antistatic agents and anti-wear additives for fuels, as well as energy and resource-saving technologies for the processing of flue gases is relevant.

In recent years, as in various industries, the country has paid particular attention to the localization of raw materials in the manufacture of polymeric materials and the production of imported fuels and oils, various membranes, plastic pipes, fittings, and other products. The Action Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan<sup>2</sup> identified the tasks of "... creation of technology for obtaining import-substituting products with efficient use of local raw materials and secondary resources" further modernization and diversification of the industry through the transition to a new high-tech processing industry based on high-quality finished products, primarily deep processing of local raw materials. In this regard, it is necessary to conduct research directed to determine the conditions of obtaining polyacrylates based on local methyl acrylate raw materials and developing technologies for their use as an additive to lubricating oils, fuels, and as a membrane for capturing CO<sub>2</sub> gas.

The results of this dissertation research have to some extent served in the implementation of the tasks set out on the Presidential Resolutions of the Republic of Uzbekistan of October 25, 2018, No PP-3983 "About measures for the accelerated development of the chemical industry of the Republic of Uzbekistan"; of July 9, 2019, No PP-4388 "About measures for stable providing economy and the population with energy resources, financial improvement and enhancement of

---

<sup>2</sup> Presidential decree of the Republic of Uzbekistan of February 7, 2017 No. UP-4947 "About the strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan"

management system with oil and gas industry"; of August 22, 2019, No PP-4422 "On accelerated measures to improve energy efficiency in economic and social sectors, the introduction of energy-saving technologies and the development of renewable energy sources" and in other regulations related to this activity.

**Compliance of the research with the priorities of the development of science and technology in the republic.** Here was carried out the research work within the framework of the priority direction II. Energetic, energy and resource-saving of the development of science and technology in the republic.

